

**Аутсорсинг шартлари асосида хизматларни кўрсатиш бўйича
ШАРТНОМА № 5**

Хива шаҳар

2022-йил “12” сентябрь

“Хива шаҳар 121-сон кузи ожиз болларга ихтисослаштирилган давлат мактаб интернати” номидан Низом асосида фаолият юритувчи Жуманиязов Анвар (кейинги ўринларда Буюртмачи деб аталади) бир томондан “Хива миллий нон” оилавий корхонаси номидан устав асосида фаолият юритувчи раҳбар Исмоилов Кахрамон (кейинги ўринларда аутсорсер деб аталади), иккинчи томондан (кейинчалик томонлар деб аталади), ушбу шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар.

I. Шартнома предмети.

1.1. Аутсорсер буюртмачининг буюртмаси бўйича мазкур шартноманинг 1.2-бандида кўрсатиб ўтилган хизматларни кўрсатиш, буюртмачи эса ушбу хизматлар учун пул тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Аутсорсер мазкур шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатдан бошлаб, у тугаганига қадар ҳар куни буюртмачини эрталабки нонушта, тушлик, иккинчи тушлик ва кечки овқат билан таъминлаш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан белгиланган ихтисослаштирилган давлат умум таълим мактаб интернатларида уқучиларни санитария-гигиена нормаларига асосан озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш қоидаларига риоя этган ҳолда буюртмачи билан келишилган буюртмаларни бажариш (таомнома, меню) жадвалига мувофиқ равишда таъминлаш мажбуриятини (кейинги ўринларда хизматлар деб аталади) ўз зиммасига олади.

1.3. Хизмат кўрсатиш муддати:

2022йил “12” сентябрдан.

2022йил “31” декабргача.

1.4. Томонлар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва аутсорсер томонидан амалда кўрсатилган хизматлар учун белгиланган тартибда далолатномалар тузилиб, расмийлаштирилган ҳисоб-фактура имзоланиб, буюртмачи аутсорсернинг мазкур шартномада кўрсатилган банк ҳисоб-рақамига пул маблағлари ўтказгандан сўнг хизматлар кўрсатилган деб ҳисобланади.

II. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

2.1. Аутсорсер қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.1.1. Ижара шартномаси асосида ошхонани, ундаги асосий воситаларни ва ошхона жихолари ва идиш тавок стакан ва бошқа материалларни ноль баҳода қабул қилиб олиш, ижарага олинган мол-мулкдан фойдаланиш;

2.1.2. Ижарага олинган бино ва иншоотларнинг ички ва ташқи қисмида техник жихатдан жихозлаш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш ;

2.1.3. 3 ой хизмат курсатгандан кейин хизматлар таннарихининг ўзгариши муносабати билан шартномага ўзгартириш қиритиш таклифи билан чиқиш;

2.1.4. Кўрсатилган хизматлар учун ўз вақтида тўловлар амалга оширилишини талаб қилиш;

2.1.5. Кўрсатилган хизматлар натижасида фойдаланиш;

2.1.6. Буюртмачидан шартнома шартларининг бажарилишини талаб қилиш;

2.1.7. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳужжатлар.

2.2. Аутсорсер қуйидагиларга мажбур:

2.2.1. Ижарага олинган бино ва иншоотлар, жиҳозлардан мақсадли ҳамда оқилона фойдаланиши, сақлаши, носоз ҳолга келганда уларни ўз ҳисобидан таъмирлаши, шунингдек коммунал харажатларни қоплаши;

2.2.2. Аутсорсинг хизматини кўрсатишда техника, ёнғин, меҳнат муҳофазаси ҳамда санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига қатъий риоя этиши;

2.2.3. Товар (ишлар, хизматлар)нинг сифатли ишлаб чиқарилишини ва буюртмачига етказилишини таъминлаши;

2.2.4. Махфийлик тартибига қатъий риоя қилиши;

2.2.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида Буюртмачини бир ой олдин ёзма равишда огоҳлантириш, ушбу муддат тугагунига қадар эса Буюртмачининг тегишли хизматларини узлуксиз ташкил этишни таъминлаши;

2.2.6. Хизматларни сифатли, муддатда ва тўлиқ ҳажмда кўрсатиши;

2.2.7. Хизматлар кўрсатиш жараёнида Аутсорсер мазкур шартнома шартларига амал қилмасдан, хизматлар сифатининг ёмонлашувига олиб келган барча камчиликларни Буюртмачининг талаби бўйича бир кун давомида бепул тўғирлаши;

2.2.8. Хизматларнинг сифатсизлиги, хизматларни бажариш учун вақтинча фойдаланишга бериладиган ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) хоналари ҳолати, шунингдек, тегишли инвентарларнинг санитария қоидаларига жавоб бермаслиги аниқланганда, Аутсорсер зудлик билан Буюртмачининг аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича қонуний талабини бажариши;

2.2.9. Малакали, тажрибали, қўйилган вазифани (хизматни, ишни) амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тегишли ҳужжатлари мавжуд бўлган, шунингдек, белгиланган тартибда ва муддатда тиббий текширувдан (кўрикдан) ўтган ходимларга (талаб этилган ҳолларда) хизматларни бажариш жараёнига руҳсат этиши;

2.2.10. Ходимлар зиммасига Буюртмачининг ҳудудида одоб-ахлоқ қоидаларига, шунингдек, ички тартиб қоидаларига риоя қилиш мажбуриятини юклаши;

2.2.11. Хизмат кўрсатиш бўйича ишларни шахсан бажариши, мазкур шартнома шартларини бажаришни учинчи шахсга топширмаслиги;

2.2.12. Мазкур шартнома шартларини бажариш доирасида Буюртмачи томонидан вақтинча фойдаланишга топширилган ускуналар, жиҳозлар, идишлар, асбоблар, мебеллар, инвентарлар ва бошқа моддий воситаларни соз ҳолда сақлаши, таъмирлаши, шунингдек, биноларни таъмирлаши;

2.2.13. Томонлар имзолайдиган тегишли қабул қилиш-топшириш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда, Буюртмачидан биноларни (хоналарни), ускуналарни, жиҳозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқа моддий воситаларни қабул қилиб олиши;

2.2.14. Мазкур шартномани бекор қилиш ҳақида Буюртмачини бир ой олдин ёзма равишда огоҳлантириши;

2.2.15. Мазкур шартномага асосан хизматларни кўрсатиш ишларига жалб этилган ходимларни ўқитишни (малакасини оширишни) амалга ошириши (талаб этилган ҳолларда);

2.2.16. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳужжатлар.

2.3. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.3.1. Товарлар (ишлар, хизматлар) сифатли ишлаб чиқарилиши (бажарилиши, кўрсатилиши)ни талаб қилиш;

2.3.2. Аутсорсернинг фаолиятига аралашмаган ҳолда, шартнома шартларининг бажарилишини назорат қилиш;

2.3.3. Шартномани бекор қилиш тўғрисида 10 кун олдин Аутсорсерни ёзма равишда огоҳлантириш, бунда кўрсатилган хизматларнинг қийматини белгиланган тартибда тўлаш;

2.3.4. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар.

2.4. Буюртмачи қуйидагиларга мажбур:

2.4.1. Бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматлар учун амалдаги нархлар бўйича бир ойда камида бир марта хизматлар ҳақини тўлаш;

2.4.2. Аутсорсерга мазкур шартнома шартларини бажариш доирасида ошхона биноларни (хоналарни), ускуналарни, жихозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқа моддий воситаларни вақтинча нол баҳода фойдаланишга бериши;

2.4.3. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

III. Хизматлар нархи ва ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби.

3.1. Мазкур шартноманинг иловасига мувофиқ хизматлар нархи **670833000**

(Олти юз етмиш миллион саккиз юз уттиз уч минг) сўм, шундан (ККС 87499957 сум) сумни ташкил этади ва ҳар ойда режалаштирилган сумманинг 30 % олдиндан 10 банк иш куни ичида ўтказилиши ҳамда қолган 70% ўтган ой учун хизмат тури тўлиқ бажарилгандан сўнг, кейинги ҳар ойнинг 25 санасига қадар ўтказилиши шарт.

3.2. Аутсорсер томонидан кўрсатилган хизматлар учун ўзаро ҳисоб китоблар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматларнинг амалдаги қиймати бўйича бир ойда камида бир марта амалга оширилади.

3.3. Кўрсатиладиган хизматларнинг амалдаги сони ҳақидаги маълумотлар ва хизматларнинг амалдаги нархи асосида Буюртмачи кундалик буюртмага мувофиқ Аутсорсер билан биргаликда ҳар 10 кунда тўланиши лозим бўлган суммаси кўрсатилган Аутсорсер ва Буюртмачи томонидан имзоланадиган бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси тузилади ва ҳисоб-фактура расмийлаштиради.

3.4. Буюртмачи томонидан амалда кўрсатилган хизматлар нархи белгиланган тартибда расмийлаштирилган бажарилган ишлар далолатномаси ва ҳисоб-фактура олинган вақтдан бошлаб 10 банк куни давомида шартномада белгиланган суммадан ортиқ бўлмаган миқдорда тўланади.

IV. Томонларнинг мажбуриятлари.

4.1. Аутсорсер шартнома мажбуриятларини ўз вақтида бажармаган ҳолларда Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятининг бажарилмаган қисмининг 0,5 % миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар ойлик нархининг 50 % дан ошмаслиги керак.

4.2. Пеня (жарима) тўлаш томонларнинг зиммасидаги мажбуриятларни бажаришдан ёки бузилишларни бартараф қилишда озод этмайди.

4.3. Мазкур шартнома шартларининг бажарилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаслиги учун томонлар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси талабларида “Хўжалик юритувчи субъектлар фойятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив-хукукий ҳужжатларида назарда тутилган жавобгар бўладилар.

4.4. Буюртмачига ҳар чоракда бир мартаба кўрсатилаётган хизматларнинг сифати, ижарага берилган бино ва иншоотларнинг ҳолатини мониторинг ўтказишга (Аутсорсернинг молиявий фойятига аралашмаган ҳолда) шароитлар яратиш.

4.5. Томонларнинг мазкур шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда бўлган фуқаролик қонунчилик нормаларига мувофиқ қўлланилади.

V. Низоли вазиятларни ҳал этиш тартиби.

5.1. Мазкур шартномани бажаришда юзага келиши мумкин бўлган низолар ва келишмовчиликлар имкон қадар томонлар ўртасида музоқара ўтказиш йўли билан ҳал этилади.

5.2. Низолар ва келишмовчиликларни томонлар ўртасида музоқара ўтказиш йўли билан ҳал этиб бўлмайдиган ҳолатларда Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигида назарда тутилган келишмовчиликларни суддан олдин бартараф қилиш тартиб-тамоили амалга оширилгандан сўнг улар Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигида белгиланган тартибда иктисодий судга кўриб чиқиш учун берилади.

VI. Форс-мжор ҳолатлар.

6.1. Томонлар мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар бундай ҳолатлар енгиб бўлмас куч яъни табиий офатлар, табиий ва техноген тусдаги фавқулодда ҳолатлар ва алоҳида давракобати ҳисобланса ва давлатнинг тегишли органлари томонидан тасдиқланса жавобгарликдан озод қилинади. Бунда мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати мутаосиб равишда ушбу ходисалар рўй берган муддатга сурилади.

6.2. Аутсорсерга мазкур шартнома шартларини бажариш бир ой давомида узулуксиз равишда бузилса, курсатилган хизматлар сифатсиз булса, иссиқ оват билан таъминлашда камчиликлар ва хизматлар узулуксиз давом қилса. Буюртмачи, Аутсорсер ёзма равишда огоҳлантиради ва камчиликларда қайта давом қилса 60 кундан кейин шартномани бекор қилади.

VII. Яқунловчи қоидалар.

7.1. Ушбу шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш фақат ёзма шаклда расмийлаштирилиб томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзолангандан сўнг ҳақиқий ҳисобланади. Мазкур шартноманинг барча иловалари унинг ажралмас қисмини ташкил этади.

7.2. Томонларнинг ҳеч бири мазкур шартнома бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа томоннинг ёзма шаклдаги розилигисиз бирор бир учинчи томонга бериб юбориши мумкин эмас.

7.3. Ушбу шартнома уч укув йилига икки нусхада тузилади. Иккала нусха айнан бир хил бўлиб, бир хил юридик кучга эга. Томонларнинг ҳар бирида мазкур шартноманинг бир нусхаси бўлади.

VIII. Шартноманинг амал қилиш муддати.

8.1. Ушбу шартнома имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради ва уч укув йил давомида ёки муддатидан олдин бекор қилинганга қадар амал қилади.

IX. Томонларнинг манзили ва банк реквизитлари.

“Аутсорсер”

“Хива миллий нон”
оплавий корхонаси

Хива шаҳар лохутий кучаси 7-уй
Стир: 306087536
x\p-20208000901020991001
АТБ кишлок қурилиш банк
Мфо-01037
Тел 97-456-77-73


“Буюртмачи

“Хива шаҳар 121-сон кузи ожиз
болалар учун ихтисослаштирилган
давлат мактаб интернати”

Хива шаҳар мустақиллик кучаси 122\А-уй
стир:-202696741
шхр-100021860334067092400075002
молия вазирлиги газначилиги
x\p-23402000300100001010
Марказий банк ХККМ тошкент шаҳар
Мфо-00014
Инн:201122919

Рахбар — К.Исмомлов
(ФНО)

Рахбар : А.Жуманиязов
(ФНО)



(ИМЗО)

Хуқуқшунос _____

Хива шаҳар "Хива миллий нон" оилавий корхонаси тамонидан Хива шаҳар 121-сон кузи ожиз болалар учун ихтисослаштирилган давлат мактаб интернати" уқувчиларни иссик овкат билан таъминлашда 2022-йил ойлари буйича. Лот-№22110012143631

ТАКСИМОТИ

№	ойлар	номи	Бола сони	уқув кунлари	порци сони	бахоси	Суммаси
1	Сентябрь	Хизмат	190	20	3800	39230	149074000
2	Октябрь	Хизмат	190	25	4750	39230	186342500
3	Ноябрь	Хизмат	190	21	3990	39230	156527700
4	Декабрь	Хизмат	190	24	4560	39230	178888800
	Йиллик хаммаси	х	760	90	17100	х	670833000
(Олти юз етмиш миллион саққиз юз уттиз уч минг сум)							

"Хива миллий нон" оилавий корхона раҳбари

К.Исмаилов



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNI QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

№

1. Loyiha turi: Shartnoma
2. Loyiyaning nomi: Outsorsing shartlari asosida xizmatlarni ko'rsatish bo'yicha shartnoma

Xiva shahar 121-son ko'zi ojiz bolalar uchun ixtisoslashtirilgan davlat maktab-internati va Xiva shahar "Xiva milliy non" oilaviy korxonasi o'rtasida Outsorsing shartlari asosida xizmatlarni ko'rsatish bo'yicha shartnoma loyihasi

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot

Xiva shahar 121-son ko'zi ojiz bolalar uchun ixtisoslashtirilgan davlat maktab-internati tomonidan 2022-yil 8-sentabr kuni ishlab chiqilgan va tizimga kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonunchilik hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Xiva shahar yuridik xizmat ko'rsatish
markazi bosh yuriskonsulti**



M.Otaboyev

2022-yil 9-sentabr

"Хива миллий нон" оилавий корхонаси тамонидан Хива шаҳар 121-сон кузи ожиз болаларга ихтисослаштирилган давлат мактаб интернатида бир болага бир кунлик турт маҳал сарфланадиган озик-овкат билан таъминдаш буйича аутсорсинг хизмати (порцида)

Хисоб - китоби

2022й

№	озик-овкат номи	улчов бирлиги	норма буйича	озик овкат нархи	жами харажат (сумда)
1	Нон	гр	400	2500	1000
2	Картошка	гр	400	3000	1200
3	Карам	гр	50	2200	110
4	Пиёз	гр	100	3000	300
5	Сабзи	гр	70	1500	105
6	Бодринг	гр	50	2300	115
7	Помидор	гр	50	2200	110
8	Шакар	гр	70	16000	1120
9	Мол гушти	гр	210	59000	12390
10	Қаймоқ	гр	30	20000	600
11	Творог	гр	70	15000	1050
12	Тухум	гр	1	900	900
13	Сут	гр	550	4000	2200
14	Пахта ёғи	гр	20	20000	400
15	Печенье	гр	25	14000	350
16	ош тузи	гр	10	1500	15
17	Ун биринчи навли	гр	45	4500	203
18	Томат	гр	50	17000	850
19	Зира	гр	5	30000	150
20	Гурунч, перловка ёрмаси, гречка, манни ёрмаси, нўхат ,макарон, мош, ловия, вермещел	гр	80	10000	800
21	Табиий шарбат	гр	400	10000	4000
22	Колбаса	гр	25	25000	625
23	Пишлоқ	гр	25	20000	500
24	Балиқ	гр	90	25000	2250
25	Какао	гр	1	40000	40
26	Сариёғ 82,5%	гр	55	30000	1650
27	Асал	гр	5	35000	175
28	Мевалар (нок,олма,анор,ковун,тарвуз,лимон)	гр	100	10000	0
29	Қатиқ	гр	200	5000	1000
30	Банан	гр	50	16000	800
31	Қандлар	гр	25	17000	425
32	Повидло (мева қиёми)	гр	25	10000	250
33	лавлаги (ошковок)	гр	30	3000	90
34	Кукатлар (редиска,турп,саримсок,лавровый лист, болгарбурч,кенза)	гр	35	1000	35
35	Чай	гр	5	34000	170
36	Сосискалар	гр	30	12000	360
37	Булочка	гр	20	10000	200
Жами харажат					36538
Аутсорсинг хизмати учун устамаси 20% гача					2692
Харажатлар хаммаси бир кунлик					39230
Ўқув кунлари сони жами		кун			90
Ойлар сони		ой			4
Бир кунда неча маҳал		марта			4
Бир кунлик иссик овкат билан таъминлаш аутсорсинг хизмати (Эраталабки нонушта , Тушлик , Иккинчи тушлик, Кечкурун овкат)		комплект хизмат			190
Жами уквчиларга аутсорсинг хизмати курсатиладиган хизмат сони (Эраталабки нонушта , Тушлик , Иккинчи тушлик, Кечкурун овкат)		комплект хизмат			17100
Уквчиларни бир кунда иссик овкат билан таъминлаш аутсорсинг хизмати курсатиш буйича жами харжат суммаси порци		сум	<i>бир хизмат бахоси</i>	<i>(Бир кунда турт маҳал)</i>	39230
ойлар			аутсорсинг хизмат (порци)	кунлар	суммаси
сентябрь			3800	20	149074000,0
октябрь			4750	25	186342500,0
ноябрь			3990	21	156527700,0
декабрь			4560	24	178888800,0
Уквчиларни бир кунда 4-маҳал иссик овкат билан таъминлаш аутсорсинг			17100	90	670833000,0

"Хива миллий нон" оилавий корхонаси

м.п. раҳбари

Э.К. Исмаилов

